

ТАДБИР



ТДИУда ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “Сифатли таълим беришнинг асосий муаммолари ва уларни ечиш йўллари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди. Унда университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, “Нобел” мукофоти лауреати, “Бон ки-моон” фонди директорлар кенгаши аъзоси Раз Квон Чунг ҳамда “Бутунжаҳон йил ўқитувчиси — 2021” халқаро танлов ғолиби Кеишиа Тхорпе (АҚШ) иштирок этди.

Тадбирни университет ректори профессор Кўнғиротбой Шарипов очиб берди. Халқаро алоқалар бўйича проректор

профессор Адҳам Худойкулов модераторлик вазифасини ўз зиммасига олиш баробарида сифатли таълим борасида ҳам хориж тажрибасидан келиб чиқиб, ўз мулоҳазаларини билдирди.

Конференция давомида барқарор бозорни татбиқ этиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, илҳомлантирувчи нутқ орқали тафаккурни ривожлантириш, таълимда тенг имкониятларга эга бўлишга ҳисса қўшиш ҳамда чекка жойларда таълим сифатини яхшилаш каби долзарб мавзулар муҳокама қилинди.

Халқаро “Нобел” мукофоти лауреати Раз Квон Чунг глобал иқлим ўзгариши, экологик тоза маҳсулотлар бизнесини

яратиш ҳақида ўз тавсияларини бериб ўтди ҳамда жорий экологик шароит юзасидан фикр билдирди.

Тадбир сўнггида Раз Квон Чунгга “Тошкент давлат иқтисодиёт университети фахрий профессори” унвони ҳамда “Ташриф буюрувчи профессор”-мақоми берилди. Энди ҳар йили университет профессор-ўқитувчилари ва талабалар Раз Квон Чунгдан дарс олиш имкониятига эга бўлдилар. Таълимга қўшган ҳиссаси учун Кеишиа Тхорпе ҳам тақдирланди.

Ташкил этилган тадбир барча профессор-ўқитувчилар ва талабаларда катта таассурот қолдирди.

Ирода ТУРСУНБАЕВА



ҲАМКОРЛИК

ИНТЕГРАЦИЯ ТАЪЛИМНИНГ ҚАНОТИ

Интеграция таълим сифатини оширишда энг самарали амалий жараён бўлиб, Тошкент давлат иқтисодиёт университети фаолиятида сўнгги уч йилда катта ўзгаришлар билан самара касб этмоқда. Ўтган уч йилдан бери 50 га яқин нуфузли халқаро олий таълим муассасалари билан фаол меморандумлар имзолангани фикримиз далилидир.

Яқинда университетимизнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Швециянинг Лунд университети расмий таклифига биноан “Но ғарб миграция тизимларида ҳуқуқий мослашувни тушуниш: амалий тадқиқотлардан назарияни ишлаб чиқишгача” мавзусига бағишланган халқаро семинарда иштирок этиб қайтди.



Делегациямиз Швециянинг Лунд университети ижтимоий фанлар факультети, ҳуқуқ фалсафаси кафедраси профессорлари ва тадқиқотчилари, жумладан, Марказий Осиё ҳуқуқи лойиҳаси бош тадқиқотчиси Рустам Ўринбоев ва Шерзод Эралиев, Элмурод Собиров, Чехроза Қиличева каби бир нечта хорижий тадқиқотчилар билан учрашди.

Швециянинг Лунд университетида ўтказилиб келинаётган номи юқорида зикр этилган халқаро конференцияда вакилларимиз ўз тақдимот ва маърузалари билан муваффақиятли қатнашишди.

3



АНЖУМАН

ГЛОБАЛ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТРЕНДЛАРИ: ТДИУ Тараққиёт стратегияси форуми

Илк бора жорий йилнинг 20-21 октябрь кунлари Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ташкил этилган “Тараққиёт стратегияси I халқаро форуми” дунё ҳамжамиятини бир нуқтада бирлаштирган анжуман бўлди.

Форум Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида белгиланган мақсад вазифаларни ўзида мужассам этгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, инсон капиталини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари доирасида ташкил этилган мазкур халқаро форуматдаги учрашувда 50 нафардан ортиқ хорижлик

экспертлар иштирок этди. Форумда 3 та асосий масала атрофича таҳлил қилинди.

Улар:

- пандемиядан кейинги даврда глобал иқтисодиётни

ривожлантириш тенденциялари;

- трансформация жараёнида молия ва бухгалтерия ҳисоби архитектурасини тақомиллаштириш;

- рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари мавзуларидир.

Икки кун давом этган анжуман муҳокамалар майдони истиқболли режалар дастурлари имзоланишига сабаб бўлди. Унинг доирасидаги тақдимотлар сарҳисобига тўхталиб ўтадиган бўлсак, анжуманда Тараққиёт страте-

гиясида илгари сурилган 100 та мақсад ичидан бевосита 30 дан зиёди инсон капитални ривожлантириш билан боғлиқлиги ўз исботини топди.

Форумда кейинги йилларда Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ҳар томонлама шаклланиб бораётгани алоҳида қайд этилди. “Бу албатта, мамлакатингиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг ижобий натижасидир.

2



Феруз ҲАКИМОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Молия ва бухгалтерия ҳисоби факультети талабаси.

ГЛОБАЛ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТРЕНДЛАРИ: ТДИУ Тараққиёт стратегияси форуми

1 Бошқа давлатлар вакиллари қатори франциялик ишбилармонлар, сармоядорлар, олимлар, ахборот технологиялари вакиллари юртингизда эркин фаолият юритиши учун барча шароитлар муҳайё. Биз бундан доимо мамнунмиз, — дейди франциялик профессор Тиери Жоел.

Форумнинг яна бир иштирокчиси Марказий Осиё бўйича Кембридж форуми раиси Сидхарт Саксена ўз фикрларини қуйидагича изоҳлаб берди: “Бугунги қизғин мунозаралар жараёнида Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси бош омил қилиб танлангани муҳим аҳамиятга эга. Форумда илгари сурилган фикрлар, шубҳасиз, мамлакатингизни бутун минтақа миқёсида дадил ривожланиш йўналишларини белгилашга

хизмат қилади. Чунки ушбу илмий анжуманда ўртага ташланган таклифлар минтақанинг иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилганлиги, шу орқали жаҳон иқтисодий тараққиётига сабаб бўлиши афсонага айланиб берилади. Бу борада дадил ривожланаётган Ўзбекистоннинг ўз ўрни ва аҳамияти бекиёс”.

Форум талабаларимиз эътиборидан ҳам четда қолгани йўқ, боиси 10 минг нафардан ортиқ талаба иштироки таъминланди. Иқтидорли талабалар мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар самаралари ҳамда амалдаги ижроси юзасидан ўз фикрларини билдириб, экспертлар билан фаол фикр-мулоҳазалар алмашди. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган хорижий давлатлар элчиларлари, АҚШ, Буюк Брита-

ния, Россия, Франция ҳамда Индонезия давлатларининг нуфузли таълим даргоҳлари профессорлари истеъмоличилар талабининг пасайиши, минтақадаги геосиёсий вазият таъсирини юмшатиш борасида иқтисодий ҳамжамият олимлари олиб бораётган фаолиятни катта қизиқиш билан кузатди.

Форум дастури давомида университетимизнинг етакчи олимлари, профессор-ўқитувчилари томонидан жиддий тайёргарлик кўрилди. Ушбу халқаро форум доирасида илмий-тадқиқот усуллари, халқаро таълим имкониятлари, саноат трендлари, банк ва молия, давлат хизмати каби соҳаларнинг раҳбарлари иштирокида илмий-амалий жиҳатидан амалга оширилган илмий-тадқиқотлари натижасида шаклланган таклиф ва

тавсиялар кенг муҳокама қилинди.

Мулоқот натижасида анжуман кун тартибидagi масала юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли вазирликлар ва ташкилотларга қиритилиши ҳамда амалиётга жорий қилиниши белгилаб олинди.

Тадбирнинг иккинчи куни ҳам қизғин мунозаралар билан давом этиб, жадаллик билан кечаётган рақамлаштириш жараёни янги иқтисодиётни вужудга келтираётган бир пайтда бизнесда самарали маркетинг компаниялар ишини жадаллаштириш, минимал харажат қилиб максимал фойда олиш ва маҳсулот ҳамда хизматларни муваффақиятли сотишнинг самарали усулларини тақдим этди.

Форумда ана шулар хусусида сўз борар экан, иштирокчилар миллий инновацион тизимни самарали молиялаштириш масалалари жумладан: “Яшил иқтисодиёт” мавзусини ҳам ўртага ташладилар. Бугун замонавий илм, фан айнан юқори технологияларда рақамли оламда кўзга ташланмоқда. Форум давомида халқаро экспертлар бу борада жаҳон миқёсида ўқитилаётган дастурлар хусусида маълумотлар бердилар.

Бу халқаро амалий мулоқот ёш олимлар ва талабалар учун ҳам мунозара майдонига айланди. Форум доирасида илмий тадқиқот усуллари, халқаро таълим имкониятлари, саноат трендлари, банк ва молия тизимидаги янгиликлар хусусида амалий семинарлар ва маҳорат дарслари ташкил этилди.

ЖАРАЁН

РЕСПУБЛИКАДА ДЕМОГРАФИК СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Хорижий мамлакатлардаги инновацион тенденцияларнинг таъсиридаги демографик жараёнлар етакчи мутахассислар томонидан ҳозирги даврда инсониятнинг энг муҳим ва долзарб омиллари сифатида тан олинмоқда. Демографик сиёсатнинг тўғри олиб борилиши мамлакатда ишчи кучи танқислиги ёки ортиб кетишининг олдини олади. Аҳоли орасидаги яшаш шароитлари даражасини ҳам кўрсатиб беради, бунга аҳолининг ўлим даражаси ва туғилиш коэффициенти мисол қилиб олишимиз мумкин. Шулардан келиб чиқиб, демографик сиёсатни тўғри юритиш муҳим эканлигини англаб олиш қийин эмас.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг демографик жараёнлари ҳозирги халқаро демографик истиқболли дастурларга мувофиқ ривожланиб бормоқда.

Тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги ривожланиш даврида дунёнинг барча давлатлари каби Ўзбекистон ҳам демографик соҳасида эволюцион жараёнларни, яъни демографик ўтишнинг муайян босқичларини бошдан кечирмоқда.

Биринчидан, юқори даражадаги туғилиш ва ўлим миқдори билан боғлиқ бўлиб, кўп сонли катта оилалар ва авлодларнинг тез ўзгариши билан ажралиб туради. Иккинчи босқичда ижтимоий тараққиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муваффақиятлар туфайли ўлим даражаси кескин камайиши, аммо туғилишнинг юқори даражаси сақланиб қолиши билан ажралиб туради. Бу аҳоли миқдорининг кескин ва назоратсиз ўсишига олиб келади. Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари сингари ўзининг демографик ривожланишида иккинчи босқичдан ўтиб, ҳозирги даврда таркибида ёш аҳоли ўсиб бориши туфайли ва умумий ўлим кўрсаткичи туғилиш даражасидан юқорироқ бўлган учинчи босқичда ривожланмоқда.

Барқарор тараққий этишда ҳукуматнинг



Аслиддин МАХМУДОВ,
ТДИУ тадқиқотчиси

турли даражадаги қисқа ва узоқ муддатли дастурларни белгилаш, зарур прогнозларни самарали ишлаб чиқиш учун аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари керакли манба ҳисобланади.

Хусусан, маъмурий бирлик ҳудудида аҳоли тўғрисидаги маълумотлар бошқарув тизимини оптималлаштириш, ижтимоий соҳани аниқ ва самарали фойдаланишини таъминлайди. Масалан, бюджет харажатларини камайтириш учун субвенциялар ҳажми маълум бир ҳудудда яшовчи аҳоли сони ва таркиби асосида аниқланади. Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардорлигини ошириш истаги замонавий иқтисодиётнинг асосий манбаи — мамлакатнинг инсон салоҳияти ҳақида билмасдан амалга оширилмайди, албатта. Бизнинг вазифамиз мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали кучлироқ бўлишдир. Бунинг учун аҳолининг таркиби, унинг иқтисодий фаоллиги, таълим даражаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз керак. Мисол учун, мамлакатда қанча одам борлиги ҳақида билишгина эмас, балки ижтимоий турмуш тарзи ва интеграция статистикаларини билишимиз керак.

5

КОНФЕРЕНЦИЯ



“ИНТЕГРАЦИЯ НАУКИ И ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ”

24 октября 2022 года кафедра “Общественно-гуманитарных и точных наук” Ташкентского государственного экономического университета в городе Ташкент провела международную научно-практическую конференцию “Интеграция науки и высшего образования в условиях цифровой экономики”.

В рамках работы конференции были освещены опыт и результаты научных исследований, проводимых под руководством ведущих ученых и преподавателей экономических вузов Узбекистана и научных организациях. Конференция стала своеобразной площадкой налаживания информационного обмена научного сообщества, развития международного сотрудничества, интеграции Узбекистана в мировую научную среду. Ведущие ученые поделились опытом исследований, проводимых при поддержке Ташкентского государственного экономического университета и Отдела координации совместных образовательных программ, а также рассказали о результатах своих работ.

Лилия КАМБАРОВА





НУФУЗЛИ БИТИРУВЧИ

ИЛМ ЙЎЛИДА ДОВОНЛАР ОШИБ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўзининг раҳбар кадрлар етиштириб бериш мақоми билан доверуғи чиққан олий таълим муассасаларидан бири саналади. “Нуфузли битирувчи” рукнимизнинг навбатдаги сонида Халқаро “NORDIK” университети ректори Шерзод Мустафакулов ҳақида сўз юритамиз.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Шерзод Мустафакулов гарчи бакалавр босқичини Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида тугатган бўлса-да, иқтисодиётга қизиши туфайли 2001 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг аспирантурасига ўқишга қабул қилинади.

Шерзод Мустафакулов ҳақида гапирганда, унинг энг аввалло самимий ва талабчан, изланувчан, тиниб-тинчимас ёш раҳбар сифатида биламиз. Шу боис у ҳақида кўп таърифу-тавсиф беришни лозим топмадик. Бира тўла, унинг илмий фаолияти ҳақида сўзимизни давом эттирдик. У илм қозонида қайнаб, 2005 йилда Бозор ислохотлари илмий тадқиқотлар институтида Макроиқтисодиёт АСМ ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузурида Илмий кенгашда Макроиқтисодиёт ва молия, пул муомаласи ва кредит ихтисосликлари кесишувида докторлик диссертациясини (DSc) ҳимоя қилишга муваффақ бўлди.

Бугунги кунга қадар Шерзод Мустафакулов томонидан 100 дан ортиқ мақолалар, дарсликлар, ўқув-қўлланмалар,

илмий-оммабоп рисоалар нашр этилган. Шунингдек, Scopus базаси таркибига кирган хорижий журналларда учта илмий мақолалари чоп этилган. Унинг раҳбарлиги остида икки нафар фан доктори (DSc) ва етти нафар иқтисодиёт бўйича фалсафа докторлари (PhD) диссертацияларини ҳимоя қилишган. 2022 йилда ОАК томонидан Шерзод Мустафакуловга профессор илмий унвонини тасдиқловчи диплом тақдим этилди.

Энди ёш олимнинг педагогик фаолиятига тўхталадиган бўласак, Шерзод Мустафакулов 2005–2009 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида илмий-педагогик фаолиятини самарали олиб борган. 2009-2012 йилларда ТДИУ Инновацион таълим технологиялари маркази директори ва 2012 йилдан 2013 йилга қадар ТДИУ “Саноат иқтисодиёти” кафедраси мудири лавозимларида меҳнат қилиб, давлатимиз ривожига йўлида фидойи кадрлар тайёрлашга ўз хиссасини қўшган.

Етук кадрлардан Шерзод Мустафакулов қатор хорижий мамлакатларда “Erasmus+” лойиҳаси доирасида малака оширган, хусусан, 2011 йилда Германия-

да, 2013 йилда Люксембургда, 2014-2015 йилда Греция давлатининг Александр номидagi Технологиялар ва таълим институтида илмий амалиёт ўтагани алоҳида эътирофга лойиқ.

Айни дамда Шерзод Мустафакулов давлатимиз раҳбари бошчилигида таълим сифатини ошириш билан боғлиқ олиб борилаётган ислохотларга фидойилик билан ёндашиб мамлакат келажагини етук кадрлар билан таъминлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилгани ҳолда, Халқаро Нордик университети ректори лавозимида университет жамоасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Халқимизда яхши кадрлар бир жойда қолиб кетмайди, деган гап бор. Улар ё ўзлари ички интеллект билан янги уфқлар сари интилади, ёки уни устозлар, ҳукумат вакиллари фидойилиги учун янги лавозимларга таклиф этади. Ана шундай шарафли йўлни Шерзод Мустафакулов ҳам босиб ўтмоқда. Уни 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси “Инвестициялар” кафедраси мудири лавозимига таклиф қилишади. Мазкур академиянинг “Қайта тайёрлаш ва малака ошириш” факультети декани лавозимига ўтказишади.

Бу орада у яна таклифга кўра, 2017



йилдан 2020 йилга қадар ТДИУ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, “Университет 3.0” халқаро илмий-инновацион тадқиқотлар маркази директори лавозимида фаолият юритади.

Шундан сўнг Шерзод Мустафакулов 2020-2022 йилларда Қўқон университети ректори сифатида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи рақамли Илмий кенгаш раиси ва “Қўқон университети хабарнома-си” илмий-амалий журналнинг бош муҳаррири бўлиб фаолият олиб борди. У ҳозирда ҳам ушбу Илмий кенгашни бошқариб, тадқиқотчиларга илмий фаолиятларини янда ривожлантириш, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида юзага чиқаётган муаммоларни илм асосида ечиш бўйича қимматли маслаҳатларини бериб келмоқда.

Мақоламиз қаҳрамонига отахон газетамиз номидан келгусидаги илмий тадқиқотлари ва амалий ишларига улкан истиқболлар тилаб қоламиз.

Шерзод ҚУРБОНОВ

1 Анжуманда профессор-ўқитувчиларимиз глобал-минтақавий муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича фикр алмашди. Яқиндан ўрганган тажрибаларини университетимиз таълим тизимига жорий этиш бўйича кўникмаларга эга бўлди.

Лунд университети ҳақида сўз борганда, у 1666 йилда ташкил этилган ва бир неча бор дунёнинг энг яхши 100 та олий таълим муассасалари қаторидан жой олган. Университет Лунд шаҳрида жойлашган, унда тахминан 46 минг талаба ва 8 минг 400 дан ортиқ ходимлар меҳнат қилиб келади.

Таълим ва тадқиқот

Швециянинг Лунд университети фанлараро ва илғор тадқиқотларга асосланган бўлиб, унда ноёб интизом, илмий ютуқ ва инновациялар учун катта ша-роитлар яратилган, академик доиралар ва кенгроқ жамият билан чегарадош ҳамкорлик рағбатлантирилган.

Университет 70 га яқин мамлакатлардаги ҳамкор университетлар билан алоҳида халқаро профилга эгаллиги билан катта мавқега эга.

Лунд университетининг йиллик айланмаси 912 миллион еврони ташкил этади, унинг учдан икки қисми 9 факультетдаги илмий тадқиқотларга, учдан бир қисми эса таълимга йўналтирилади.

Университетда қуйидаги йўналишларда таълим ва тадқиқот олиб борилади:

- иқтисодиёт ва менежмент;
- муҳандислик ва технология;

- тасвирий санъат, мусиқа ва театр;
- гуманитар фанлар ва илоҳиёт;
- қонун;
- тиббиёт;
- фан;
- ижтимоий фанлар кабилар.

Дунёдаги етакчи тадқиқот объектлари

Меморандумга асосан олиб берилган амалий ташрифда Лундда материалларни тадқиқ қилиш ва ҳаёт ҳақидаги фанлар

ланиши тадқиқот, таълим ва инновациялар бўйича халқаро марказ келажақда тажриба алмашиш илмий майдони бўлиши мумкинлигига ишонч билдирилди.

Ташкилий ривожланиш

Ташкилий жиҳатдан университет узоқ вақт давомида тўртта факультетдан иборат эди. Бироқ, 1876 йилда фалсафа факультети гуманитар фанлар бўлимига ва математика-фан бўлимига бўлинган. 1956 йилда улар мустақил факультетларга айланди.

ИНТЕГРАЦИЯ ТАЪЛИМНИНГ ҚАНОТИ

бўйича дунёдаги энг йирик икки-та тадқиқот объектлари билан танишдик. Хусусан, “MAX IV” синхротрон нурланиш иншооти ва дунёдаги энг кучли нейтрон манбаи (ESS) ташкил этилган бўлиб, улар 2027 йил охиригача тўлиқ ишга тушади деб маълумот берилди.

Ушбу объектлар Science Villageдаги янги Лунд университети кампуси билан биргаликда материаллар ва ҳаёт ҳақидаги фанлар, маданий мерос ва атроф-муҳит фанлари бўйича тадқиқотлар учун кўзга кўринган, дунёда етакчи марказни ташкил қилади.

Ушбу илмий комплекс ривож-

- биринчи ва иккинчи босқичли таълим, тадқиқот ишлари ва тадқиқотлар энг юқори сифатга эришиши;
- таълим ва тадқиқот ўқитиш ва тадқиқотга бағишланган ўқув муҳитида ўзаро боғлиқ бўлиши;
- бу ерда таълим ва тадқиқот соҳасидаги малакалар тенг баҳоланиши;
- ўқитиш усуллари, курс мазмуни ва талабаларнинг ўз ўқув жараёни талабалар ва докторантларни янги вазифаларни ҳал қилиш учун жиҳозланиши;

фиқ бўлиш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун фаол ҳамкорликни рағбатлантириш;

- университетнинг интизом доираси ноёб ва ҳимояланган бўлиши;
- Лунд университети ва бошқа олий ўқув юртлари билан чегарани кесиб ўтиш ва фанлараро ҳамкорлик рағбатлантириши;
- янги ҳамкорликларни ривожлантириш ва ҳамкорликдаги тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этилиши;
- давлат сектори, маданият сектори, жамият ҳаёти, бизнес ва саноат ва битирувчилар билан фаол ҳамкорлик янада ривожлантирилиши ва ёрдам бериши керак.

Мазкур мақсадларга кўра, Лунд университети катта ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олади ва глобал муаммоларга жавоб беради, масалан, барқарор ривожланишни кўзлайди.

Профессор-ўқитувчиларимизнинг Лунд университетида ташрифи сўнггида икки томонлама ҳамкорлик кенгайтирилишига, халқаро конференцияларни келишган ҳолда, ўзаро семинар-тренинглар, амалиёт, стажировка ва дастурларини ҳамкорликда ўтказишга келишиб олинди.

Ўйлаймизки, ушбу ташрифдан олган тажриба ҳамкорлигимизни янада кучайтириб, таълим тизимимизга катта самара беради.

Азамат МУХТАРОВ,
ТДИУ Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири, профессор

1964 йилда ижтимоий фанлар факультети ташкил этилди, 2004 йилда ундан иқтисодий фанлар ажралиб чиқиб, ўз факультетларини (Иқтисодиёт ва бошқарув мактаби) ташкил этди.

Университет ҳозирда тўққиз факультетга эга ва Скандинавиянинг тадқиқот ва таълим бўйича энг йирик ўқув юртларидан биридир.

Лунд университети 2017-2026 йиллар учун стратегик режа ва 2017-2026 йиллардаги устувор йўналишлар бўйича истиқболли режа ишлаб чиққан:

- таълим ва тадқиқот ўзаро боғлиқ бўлиши;

- педагогик кадрларни ўқитиш ва юқори малакага эга бўлиши учун таълим сифатини ошириш алоҳида рағбатлантирилиши;
- таълим ва тадқиқотлардаги хилма-хиллик иштирокни кенгайтириш орқали мустаҳкамланиши;
- тадқиқот динамик ва яхши ташкил этилган муҳитда ва ахлоқий асосда ўтказилиши;
- танқидий фикрлаш ва мулоҳаза юритишга асосланиши;
- хавф-хатарларни қабул қилишга имкон бериш ва тадқиқот натижалари очиқ бўлиши;
- таълим ва тадқиқотда сифатли мақсадларга эришиш учун инфратузилма ва мақсадга муво-



ИМКОНИЯТ

Таълим – инсонни инсон сифатида шаклланишида асосий тушунча ҳисобланади, шу билан бирга, илмий ёндашувни талаб этади.

Шу боис тарбия ва таълим масаласи халқимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Буни қадимда ота-боболаримиз фарзандини устоз қошига олиб бориб: “Суяги бизники — эти сизники” деб қўшқўллаб топшириб келганидан илғаш қийин эмас. Бу дегани халқимизни устозларга ишончи ва юксак эҳтироми бўлса, устозларни ёшлар орқали илм ниҳоли ва Ватаннинг келажақ тақдири сифатида қараганидан далолат беради.

2020 йил 25 декабрида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар форумидаги сўзлари талаба-ёшларга том маънода мотивация бериб келмоқда.

“Буюк аждодимиз Муҳаммад Хоразмийнинг бир ҳикмати бор: “Сўз – гул, иш – мева”. Ўйлайманки, бугун белгилаб оладиган режаларингиз қанчалик пишиқ-пухта бўлса, ишингиз ҳам шунчалик яхши самара беради. Сизлар кўп китоб ўқиган, билимли авлод сифатида юртимиз ўтмишда жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганини яхши биласиз. Сиз Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Сино, Улугбек, Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар, Термизийлар авлодсиз. Ана шундай буюк ватандошларимиз яратган бебаҳо билим ва кашфиётлар бугун ҳам бутун инсониятга хизмат қилмоқда”, – деган эди форумда Шавкат Мирзиёев.

Ҳақиқатан ҳам Президентимиз қомусий олим Муҳаммад Хоразмий асос солган илм – “Алгоритм”ни эслашининг ўзи кифоя. Бундай улғу зотнинг бекиёс хизматларини нафақат инсоният, балки биз ёш авлод учун катта илм йўлини очиб беришига даъват

десак муболаға бўлмайди. Чунки оддий оиладан, ота-она тарбиясидан униб вояга етган улғу алломанинг оламшумул

ҳам шундан. Яратилган кенг кўламли моддий-техник база ва қулай имкониятлар сабабли ёшларимиз ИТ соҳаси сирларини чуқур ўрганмоқда, бундай таълим масканларининг сони тобора кўпаймоқда.

Давлат томонидан амалга оширилаётган улкан ижтимоий, иқтисодий ва таълим-фан борасидаги ислохотлар ўз ҳосилини бериб, сўнгги беш йилда мамлакатимиз ёшлари нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларда беш ярим мингтага яқин совринли ўринларни қўлга киритгани

халқаро таълим дастурлари бўйича энг юқори балларни тўплаган иқтидорли ёшларга имтиҳон топшириш харажатлари давлат томонидан тўлиқ қоплаб берилмоқда.

2020 йилда ёшлар ўртасида энг яхши илмий ишланмалар учун умумий қиймати 30 миллиард сўмдан ортиқ бўлган “Ёш олимлар” инновацион лойиҳалар танлови эълон қилинган бўлса, 2021 йилдан бошлаб мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида “Бўлажак олим” танловини ташкил қилиш



Максуд ХУШБАҚОВ,
ТДИУ Халқаро туризм
факультети талабаси

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

кашфиётлари ҳозирги ахборот-технологиялари яратилишида туб илдиз бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу фикримизга Испаниянинг Мадрид шаҳридаги Комплутенсе университетида аллома бобомизнинг ҳайкали ўрнатилгани халқимиз тарбиялаб вояга етказган фарзандлари жаҳонда машҳур ва тамаддунимизда стратегик роль ўйнаганини билдиради ва бизни илм олишга, уларга муносиб авлод бўлиб вояга етишга туртки беради.

Давлатимиз раҳбари ёшлар замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукамал эгаллаши зарурлиги учун давлат ялпи улушининг тўртдан уч қисмини таълим сифатини оширишга қаратаётгани

бу катта кўрсаткич.

Хусусан, Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Фирдавс Абдуқаймов IELTS дастури бўйича юқори балл тўплаб, АҚШнинг Жон Карролл университетида таҳсил олиш учун 96 минг долларлик грант соҳибига айланган. Шу боис мазкур форумда давлатимиз раҳбари Фирдавсни “ўғлимни, унинг ота-онаси ва ўқитувчиларини чин дилдан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, янги ютуқлар тилайман”, дея самимият билан тилаклар билдирган эди.

Шу сабабли ёшларимизнинг нуфузли хорижий олий ўқув юртларида таҳсил олиши учун кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилиб, улар,

орқали ёшларнинг энг яхши инновацион ҳамда стартап лойиҳаларига 50 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Ёшларни янада кўллаб-қувватлаш мақсадида олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёш учун ва республикамиздаги хорижий олий ўқув юртларининг бакалаврият босқичи талабалари учун ҳам Президент ва давлат стипендиялари жорий этилди.

Илм йўлини танлаган иқтидорли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида магистратура ва докторантура босқичлари учун Президент стипендияси квотаси икки баробарга оширилди. Бундай юксак эътибор ва кенг моддий

имконият ва имтиёзлар Учинчи Ренессанс пойдеворининг бунёдкорлари учун самарали рағбатлаштириш десак, муболаға бўлмайди.

Давлат ижтимоийлашувида маҳалла оилалар билан ишлаб, ёшлар таълим-тарбиясига эътиборни “икки ва ундан ортиқ фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқиётган оилаларга имтиёзли таълим кредити беришни” йўлга қўйилганида ҳам кўриш мумкин.

Таълим-тарбия борасида илк жадидчилик мактаби асосчиларидан бири Абдулла Авлоний: “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир” деган ҳикматни ёдга олсак, бугун давлатимиз раҳбари ёшлар масаласига давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида қараши Янги Ўзбекистоннинг ёруғ уфқларини кўрсатади.



ҚАДРИЯТ

Газета маърифат тарқатувчи энг яхши воситалардан бири. XX аср охирида ахборот технологиялари кириб келмасдан олдин, интернет ўрнида газеталар ҳар куни илҳақлик билан қўтилган. Одамлар ҳаётида, таълим ва тарбия борасида энг сўнгги янгиликлар газеталарда ёритилиб жамият хабардор этиб борилган.

Ана шундай хабарномалар орасида 1958 йилдан бери нашр қилиб келинаётган “Иқтисодчи” газетаси ҳам бор. Ушбу газета ўша йилларда институтда ректор вазифасида фаолият кўрсатган Муҳаммаджон Қориевнинг ташаббуси билан нашр қилина бошлаган. Мазкур газета бир пайтлар иқтисодчи кадрлар бўлиб етишадиган талабаларнинг севимли газетасига айланган. Чунки газетада институт профессор-ўқитувчиларининг, иқтидорли талабаларнинг долзарб мавзуларга бағишланган мақолалари, шингил ҳикоялар ва шеърлари нашр қилинган. Ўз навбатида газета рус ва ўзбек тилларида нашр қилинган. Шунингдек, газетада талабалар ётоқхонасидаги ҳаёт мунтазам ёритиб турилган баъзи салбий ҳолатлар эса танқидий фотосуратлар орқали ёритилган. Бу эса талабаларни домий ҳушёрликка, ётоқхонадаги тартиб-интизомга риоя қилишга чорлаган.

Ора-орада узилишларга қарамай, аъналаримизга содиқ ҳолда “Иқтисодчи” газетаси нашри қайта йўлга қўйилгани қувонарли бўлди.

Музейимизда газетамизнинг 90-йиллардаги мухлислари муролааси тарихий фотосуратларга олинган экан, сиз азиз муштарийларга музейимиздаги ушбу ноёб экспонатни аргумон қилипмиз.

Лутфулла ИЛҲОМЖОНОВ,
ТДИУ тарихи музейи директори

ТАРИХИЙ СУРАТ



РЕСПУБЛИКАДА ДЕМОГРАФИК СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

❏ **2** ❏ Мамлакатимиз аҳоли сони ҳақида маълумотлар олишда асосий йўналишлар ва инновацион рақамли структураларни яратиб олиш ва унинг ижросини тизимли таъминлайдиган платформаларни яратилган мақсад қилган. Шулардан бири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4653-сон “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори бўлди.

Мазкур қарорда макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва юритишда, хусусан, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг таҳлили ва прогнози, иқтисодий бошқарувнинг бозор механизмларини жорий этиш сув ва ҳаводек зарурлиги ўз ифодасини топди.

Макроиқтисодий индикаторларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш орқали мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, бозор ислохотлари жараёнларининг таҳлили асосида иқтисодиётни либераллаштириш бўйича тизимли мониторингни амалга оширади.

Шунингдек, миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ҳукумат томонидан тасдиқланган дастурлар асосида ўрта ва яқин муддатларга мўлжалланган товарларнинг асосий гуруҳлари бўйича ташқи савдо прогнозини шакллантиради. Бу жараёнда инсон капитални ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни комплекс таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш долзарб саналади.

Қарорда меҳнат ресурслари баланси, демографик кўрсаткичларни, меҳнат ресурслари сони, таркибида миқдорий ва сифат кўрсаткичларининг ўзгаришини, иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш белгилаб берилган. Бу жараёнда прогноз қилиш асосида ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштиради ҳамда камбағалликни қисқартириш борасида кўл келади.

Мохиятан иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таҳлил қилиш асосида камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ишлаб чиқилади ва унинг ижроси юзасидан доимий мониторинг олиб борилади. Шу боис янги ташкил қилинган вазирлик камбағалликни қисқартириш бўйича давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб бормоқда.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида эса, фойдаланилмаган меҳнат

захираларини ва ишлаб чиқариш салоҳиятлари аниқланмоқда. Улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, табиий ва иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устувор амалга оширилмоқда.

Вазирлик фаолиятида аҳолини иш балан таъминлашда ва демографик ўсишни барқарор сақлашда мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш соҳасини такомиллаштириш заруратдир. Жумладан, бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш йўлида иқтисодиёт тармоқлари ва кичик саноат зоналарида хусусий секторнинг улушини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самара бермоқда. Бу орқали мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни ҳамда тадбиркорликнинг барча шакллари ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсати юритилмоқда.

Вазирликда бугунги кунда саноатнинг устувор тармоқларини ривожлантириш — ягона индустриал сиёсатни юритиш, жумладан, эркин бозор муносабатларига асосланган саноат сиёсати ишлаб чиқилган. Саноат рақобатбардошлигини ошириш, унинг салоҳиятли драйверларини аниқлаш, баҳолаш ҳамда уларни ҳаракатга келтиришни назарда тутувчи саноатни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегиялари (моделлари) ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштираётгани олдимизда турган демографик муаммоларга ечим топмоқда.

Мухтасар айтганда, биз ишчи кучи етказиб берадиган донор мамлакатлар қаторига кирамиз, лекин Ўзбекистон 1989 йилдан бери демография ҳақида маълумотга эга эмас, бу дегани ишчи кучи ва меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ҳам аниқ эмас дегани. Бу борада таклифларим бор. Жумладан, аҳоли сонини ҳар йили рўйхатдан ўтказиб туриш керак. Бу бизга ҳар йилги статистиканинг тўғри билиш ва келажак имкониятларни белгилашда катта ёрдам беради. Боз устига, яширин иқтисодиётни камайтириш, аҳолини рўйхатдан ўтказишни рақамлаштириш ва муайян стратегик базани шакллантиради.

Ўзбекистон 30 ёшгача бўлган аҳолиси бутун аҳолининг 60 фоизини ташкил этадиган ноёб демографик ҳолатга юз тутиш арафасида. Кейинги йигирма йилда бугунги кундаги катта болалар ва ёшлардан ташкил топган аҳоли ишчи кучига айланади. Бу эса, Ўзбекистон тарихидаги энг катта ишчи кучи, инсон ресурси бўлади. Бугунги кундаги тўғри сармоялар билан, ҳозирги ёшлар Ўзбекистоннинг кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига кўтарадиган интеллектуал қудратига айланиши пировард мақсадимиздир.

ИННОВАЦИЯ

ЎЗБЕКИСТОНГА РАҚАМЛИ БАНКЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Инсон мияси ҳар кун турли маълумотларни кераклича қабул қила олади. Бу эса, кўп жиҳатдан мобил телефонлар, интернет, смартфонларнинг техник имкониятларининг тобора ортиб бораётганлиги, одамларнинг ижтимоий тармоқларга жалб этилиши кескин ошгани ва интернет тезлигининг ўсиб бораётгани билан боғлиқ.

Сўнгги 20 йил ичида технология бутун дунёда банк соҳасига ҳам тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ўзгаришларни олиб кирди. Интернет ва мобил алоқа бутун дунёдаги одамлар ва ташкилотларни боғлайдиган энг чекка худудларгача етиб келди. Бундай IT қулайликлари мижозларнинг узоқ навбатлардаги кутишлари-ю ташкилотларнинг ишлаш принципларини ўзгартириб юборди. Мобил алоқа ва тегишли инфратузилмалар ёрдамида эса, финтех технологияси (молиявий технологиялар) банк секторига кириб, харидорларга қулай бўлган турли хизматларни ишга туширди.

Бу рақамли банкнинг бошланиши саналмиш автоматлаштирилган банк-матларга бўлган талабни ошишига олиб келди. Кейинги босқич мижозларнинг узоқ навбатларда кутиш жараёнини ислоҳ қилиш талаб қила бошлади. Натижада банкларни яхшироқ инновациялар, маҳсулотлар ва хизмат турлари билан чиқишга ундади. Бугунги кунда, мижозлар банк ходимларини жалб қилмасдан, ўз хоҳишларига кўра, ҳар қандай вақтда банк муассасалари хизмат-



Кумуш ТИЛАБОВА,
ТДИУ Иқтисодиёт факультети
4-босқич талабаси

ларидан фойдалана олади. Рақамли банк билан барча ёзувлар рақамли шаклда сақланади, маълумотлар аналитик усулларни қўллаш орқали фойдали маълумотларга талқин қилинади. Мижозлар билан яхши алоқа ўрнатилади ва мижозлар билан ўзаро таъсир ўтказиш натижасида кўпроқ бизнес пайдо бўлади. Буларнинг барчаси иш самарадорлигини ошириш ва банкнинг даромадини яхшилашга олиб келади.

❏ **6** ❏

МИЛЛАТ РУҲИ



“Тил — миллат кўзгуси”, деган сўз қалбимизда шарафли ифтихор туйғуларини жўш урдиради ва тилга бўлган муносабатимизни юксак қарашларга етаклайди.

Тил байрами кўтаринки руҳда ўтди

Ҳақиқатан ҳам тилда миллатнинг узоқ ўтмишидан тортиб, то бугунги кунгача бўлган даври, маданияти, маънавияти ва этноси мужассам. Тил одамнинг онглик даражасини белгиловчи омил бўлиши билан бирга, миллатни дунёга танитадиган маънавий асос, унинг муҳим белгиси, узвий ва ажралмас бир бўлагидир. Тил инсон камолотида ўзининг бойлиги ва унга мансуб адабиётлари билан муҳим ўрин тутди. Чунки инсон ўз она тилини билмасдан, адабиётларини ўқимасдан туриб, миллий фикрлаши, ўзлигини англаши имконсиз.

Боис бошқа бир халқнинг маданиятини англаш учун ҳам ўша мам-

лакат тилини ва адабиётларини билиш лозим.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс маркази жамоаси томонидан Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан 21 октябрь куни “Қадринг баланд бўлсин — она тилим” шиори остида китоблар кўргазмаси ташкил қилинди. Кўргазмада давлат тилидаги 500 дан ортиқ китоблар ва бадий адабиётлар ўрин олди.

Тадбирда талаба-ёшларга Ўқув ишлари бўйича проректор Мансур Эшов, Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор Садирдин Худойкулов, “Молия ва бухгалтерия

ҳисоби” факультети декан муовини Исмоил Зайнутдинов, Ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси Саодат Исмоилова, АРМ раҳбари Гулнора Исомухаммедовалар ўзбек тили дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири экани, унинг софлиги, пурмаънолиги, таъсирчанлиги, жозибadorлиги, бойлигига ўз ҳиссамизни қўшимиз муқаддас бурчларимиздан эканлигини таъкидлади.

Кўтаринки руҳда ўтган мўъжаз тадбирда “Молия ва бухгалтерия ҳисоби” факультети талабалари томонидан она тилимизни мадҳ этувчи шеърлар тингланди.

Наргиза ХАКИМОВА,
Ахборот-ресурс маркази етакчи
мутахассиси.



ЎЗБЕКИСТОНГА РАҚАМЛИ БАНКЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

5 Ўзбекистонда нақд пул-сиз иқтисодиёт ҳақидаги тасаввурни бутун мамлакат бўйлаб кенгроқ ёйиш, аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш ҳамда масофавий интернетга ула-ниш орқали тезлашди, чунки интер-нет-банкнинг "COVID-19" туфайли ўта виртуаллашди.

Ўзбекистонда анъанавий банк хизматларини 10 баллик шкалада баҳолаш учун ўтказилган сўровно-ма аҳоли ўртасида анъанавий банк хизматларидан фойдаланиш жа-раёнидаги мавжуд муаммолар ҳа-лигача ўз ечимини топмаётганлиги, тизимда маълум даражада ўзгариш ва енгилликлар киритилишни талаб қилаётгани маълум бўлди. Мавжуд муаммоларни ўрганганимизда, узоқ навбатларда туриш, хизматларнинг кечикиши, пул билан бўлаётган опе-рацияларда шахснинг тўғридан-тўғри иштирок этиши, банкларнинг хиз-мат кўрсатиш вақти чегараланлиги, марказий шаҳарлардан узоқда жой-лашган ҳудудлардаги аҳоли учун хизматлардан фойдаланиш учун ша-хобчалар ёки банк филиалларининг мавжуд эмаслиги кўзга кўринарли даражада аҳолига қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Рақамли банк бу — тармоқлари бўл-маган, фаолияти электрон муомалага асослаган банкдир. Биринчи марта "рақамли банк" ёки "необанк" атамаси Крис Скиннернинг 2014 йилда АҚШда нашр этилган "Рақамли банк" кито-бида батафсил баён қилинган. 1989 йил Буюк Британияда жойлашган

Фирст Дирест банки мижозларга илк бора телефон орқали хизмат кўрсата бошлади ва қизиқарли далил шунда-ки, биринчи кунда 1000 та кўнғироқ қабул қилинган. 2015-2020 йиллар давомида Европа мамлакатларида "рақамли банк" тушунчаси жадал ри-вожланди. Рақамли банклар ўз ми-жозларига янада қулай ва фойдали хизматларни тақдим этиш учун замо-навий рақамли инновациялардан кенг фойдаланиш принципларига ўтишди.

Ўтган даврда ушбу тушунча билан биргаликда рақамли банклар Ўзбе-кистонга ҳам кириб кела бошлади ва қонунчиликда илк марта рақамли банк тушунчаси Марказий банкнинг "Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низом лойиҳасида эъ-лон қилинди.

Унга кўра, рақамли банк — инно-вацион банк технологияларидан фой-даланган ҳолда(касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банк ички тартиб-қоидаларига асосан қонун ҳужжатлари талабларини ино-батга олган ҳолда, инсон омилисиз амалга оширилади.

Рақамли банкни рўйхатга олиш тар-тиби анъанавий банкларники каби бўлади. Мазкур тизим мижозларга масофадан туриб банк хизматлари-ни кўрсатиш, вақт, масофа ва ортиқча сарф-харажатларни тежаш имконини беради. Мижозлар эҳтиёжини қонди-

риш даражасини ошириш ақлли банк имкониятларидан фойдаланилади. Кўп каналли стратегия орқали маҳал-лий мобил иловалар, веб-иловалар, филиаллардан суҳбатлар банки ва тақиладиган қурилмалар каби илғор интерфейсларга қадар мижозларнинг янада кучли алоқаси ва содиқлиги таъминланади.

Рақамли банклар фаолиятида ис-теъмолчилар қуйидаги бир қатор афзалликларга эга бўладилар:

— ҳеч қандай бўлинмалар ва нав-батларсиз, барча ҳисоб-рақамлар орқали сутка давомида ҳар қандай жойда, фақатгина смартфон ва ин-тернетга кириш орқали хоҳлаган операцияларни амалга оширишлари мумкин;

— амалга оширилган барча тўлов-лар тушунарли ва мутлақо шаффоф бўлиб, операцияларнинг тўлиқ та-рихни ва эндиликдаги тўловларнинг жадвалини ҳар доим мобил илонадан кўриш мумкин;

— йирик шаҳарлардан йироқда яшаётган ёки бизнес юритаётганлар-га банкка боришнинг ҳожати қолмай-ди. Бунда рақамли банкларнинг ўзи истеъмолчининг олдига келади;

— рақамли тажрибалар орқали кун-далик банк фаолиятининг мураккаб-лигини олиб ташлайди ва одамларни молиявий ҳаётини назорат қилади;

— бир кунда йигирма тўрт соат да-вомида банк функцияларидан фойда-ланиш имконияти;

— қоғозсиз банк;

— банк хизматларини чекка ҳудуд-ларга кенгайтиради;

— рақамли фонд ўтказмалари ёр-дамида қалбаки валюта хавфини ка-майтиради;

— мижозлар учун махфийлик ва хавфсизликни кучайтиради;

— нотўғри жойлаштирилган кредит карталари ҳақида хабар бериш ва дарҳол блокировка қилиш имконини беради;

— қора пул муомаласини чеклайди;

— валютага бўлган талабни пасай-тиради.

Рақамли банкларнинг ривожланиш стратегиясининг асоси — мижозга йўналтирилганликдир. Яъни банк фақат мижозлар учун ортиқча овора-гарчиликларсиз хизмат кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли банк — анъанавий банк хизматларини автоматлаштиришдир. Бу — мижоз-ларни жалб қилиш, рентабелликни ошириш ва назорат қилишнинг кали-тидир. Банклардаги хизмат кўрсатиш мавжудлигини интернет мавжудлиги билан алмаштириш ва мижознинг фи-лиалга ташриф буюриш эҳтиёжини йўқ қилиш орқали банк фаолиятини янада такомиллаштиришади. Рақам-ли банк мижозларга турли хил хавф-сиз рақамли каналлар орқали опе-рацияларни амалга оширишга имкон беради, шу билан бирга, банк маълу-мотлар хавфсизлиги билан устунлик қилади. Бунда онлайн ва мобил банк хизматларини аналитик, ижтимоий медиа, инновацион тўлов ечимла-ри ва мобил технологиялар каби энг-янги рақамли технологиялар билан бирлаштириш, мижозлар кутганидек қулайлик ортишига олиб келади.



ШЕЪРИЯТ


Ўқилмаган китоб

Дилимдаги оташларим сен,
Ишқ аҳли-ла талошларим сен,
Кўринмаган кўз ёшларим сен,
Севгилим муқаддас ҳилқатсан!

Хаёлларим қаноти ўзинг,
Келажагимнинг ёди ўзинг,
Тўмор хотин зурриёди ўзинг,
Севгилим муқаддас ҳилқатсан!

Қалбим зулмат сен офтоб,
Ўқилмаган ажиб бир китоб,
Сузилмаган уммон, об
Севгилим муқаддас ҳилқатсан!

Аскарали МАЛИКОВ,
Халқаро туризм факультети талабаси



КУЛГУ



— Дўхтир, нафас ол-ганимда юрагим қаттиқ санцияпти.

— Ундай бўлса, нафас олмасликка ҳаракат қи-линг.

— Сиз нега ишга борасиз?
— Бу кинога боришга қараганда арзонроқ-да.

— Менга бу суратлар ёқмаяпти. Кўринишим маймунга ўхшаб қопти.
— Сиз бу ҳақда суратга тушишдан олдин ўйлаб кўришингиз керак эди.

Дорихонада:
— Менга оғриқни қол-дирадиган дори керак.
— Қаеринг оғрияпти?
— Кечкурун дадамга кундалигимни кўрсат-моқчиман.

Тулкидан сўрашди:
— Итдан қочиб қутулиш учун қанча айёрлик ишлата оласан?
— Юздан ортиқ, лекин энг ях-шиси, унга рўпара бўлмаслик.